



## A NEW STAGE IN THE DEVELOPMENT OF LEGAL EDUCATION IN UZBEKISTAN

B.UMAROV<sup>a</sup> Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

<sup>a</sup> Tashkent State University of Law

## НОВЫЙ ЭТАП В РАЗВИТИИ ЮРИДИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

Б.УМАРОВ<sup>a</sup> Ташкентский государственный юридический университет, Ташкент, 100047, Узбекистан

<sup>a</sup> Ташкентского государственного юридического университета

## МАМЛАКАТИМИЗДА ЮРИДИК ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Б.УМАРОВ<sup>a</sup> Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, 100047, Ўзбекистон

<sup>a</sup>Тошкент давлат юридик университети

**Аннотация:** мақолада ҳуқуқий таълимга давлатимиз томонидан қилинаётган эътибор, ушбу масалага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмуни, юридик кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон “Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириши ва самарадорлигини ошириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг аҳамияти ва Тошкент давлат юридик университети олдида турган вазифалар таҳлил этилган.

**Таянч сўзлар:** ҳуқуқий таълим, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қарор, юридик кадрлар тайёрлаш, ўқитишнинг модул-кредит тизими, инновацион технологиялар.

**Аннотация:** в статье анализируются вопросы принятые государством и направленные на создание условий для воспитания всесторонне развитого подрастающего поколения. Также исследуется суть принятых нормативно-правовых актов, призванных поднять на новый уровень юридическое образование. Особое внимание уделяется роли постановления Президента Республики Узбекистана от 28 апреля 2017 года № ПП–2932 «О мерах по коренному совершенствованию системы и повышению эффективности подготовки кадров в Ташкентском государственном юридическом университете».

**Ключевые слова:** юридическое образование, нормативно-правовые акты, постановление, подготовка юридических кадров, модульно-кредитная система образования, инновационные технологии.

**Abstract:** the article analyzes issues that consider the whole range of measures adopted by the state and is aimed at creating conditions for the upbringing of a comprehensively developed younger generation. Also, the essence of the adopted normative and legal acts aimed at raising the legal education to a new level is being explored. Significant attention is paid to the role of the resolution of the President of the Republic of Uzbekistan, issued on the 28<sup>th</sup> of April 2017, “On measures on fundamental perfection of system and increase of efficiency of preparation of legal personnel in Tashkent State University of Law”, the tasks stand before the University as well.

**Keywords:** the legal education, the legislation acts, the decree, preparation of legal personnel, modular credit system of education, innovative technologies.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасида салмоқли натижаларга эришилди. Бу даврда юридик кадрлар тайёрлаш тизимини замонавий асосда такомиллаштириш, айниқса, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга қодир авлодни тарбиялашга катта эътибор қаратилди. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, “Юртимизда ўз Ватанининг тақдири, унинг бугуни ва келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этадиган, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрларга эҳтиёжни қондириш вазифаси биз мустақилликка эришган биринчи кунларданок ўта муҳим ва ҳал қилувчи масалага айланган эди” [1].

Мустақиллик давридан бошлаб мамлакатимизда етук ҳуқуқшунос кадрларни шакллантириш, суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш долзарб масалага айланди. Шу сабабдан малакали ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлаш тизимини ислоҳ этишнинг замонавий усул ва воситаларини такомиллаштиришнинг ижтимоий-сиёсий муаммоларини ўрганиш бир вақтнинг ўзида ҳам илмий-методологик, ҳам амалий аҳамият касб эта бошлади.

Маълумки, мамлакатимизда юридик кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришнинг ўзига хос механизмларни яратиш устувор вазифалардан бири саналади. Ушбу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш ҳамда мамлакатда ўтказилаётган демократик ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг эълон қилиниши юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янги босқичга кўтариш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди десак, муболаға бўлмайди, албатта.

Ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти юридик таълим ислоҳотлари борасида яратилган мавжуд тизимни мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талабларига мослаш ҳамда замонавий халқаро стандартларга жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, дастлаб ҳуқуқшунослик йўналишидаги мавжуд барча таълим муассасалари фақатгина умумий юриспруденция йўналишида кадрлар тайёрлайдиган даргоҳ сифатида фаолият юритган. Таҳлиллар эса ҳар бир соҳа бўйича ихтисослашган етук мутахассис кадрлар тайёрлаш заруратини кун тартибига қўяётганлиги боис барча таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириб, аниқ йўналишлар бўйича ихтисослашган юридик кадрлар тайёрлаш тизимини жорий этиш лозим эди.

Мазкур муаммоли вазиятларни инобатга олган ҳолда мамлакатимизда юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш масалаларига катта эътибор берилди ва юридик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасининг мустаҳкам ҳуқуқий ва институционал базаси яратилди.

Маълумки, юртимизда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислоҳотлар, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва замонавий халқаро стандартларнинг юксак талабларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Бу, энг аввало, мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида яққол намоён бўлмоқда.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этаётганлигини ҳамда олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва

жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қабул қилиниши ҳамда унинг “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” деб номланган тўртинчи йўналишида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатда ўтказилаётган демократик ва ҳуқуқий ислохотлар, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг юксак талаблари ва замонавий халқаро стандартларига жавоб берадиган юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш юзасидан, амалга оширилаётган босқичма-босқич ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ–2932-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор юридик кадрлар тайёрлаш тизимини халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, Тошкент давлат юридик университетиде ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий усуллари жорий қилиш, ёшларнинг олий юридик таълим олишларига кенг имкониятлар яратишни таъминлаш мақсадида қабул қилиниб, унда Тошкент давлат юридик университетини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Устувор йўналишлардан бири сифатида ижобий халқаро тажрибани янада қўллаш, шу жумладан талабалар ўқув юкмаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизимини жорий этиш белгиланди, яъни университетда модул-кредит тизимини жорий этиш белгиланди.

Мазкур тизим замонавий таълимнинг энг такомиллашган шаклларида бири ҳисобланиб, бугунги кунда тараққийпарвар давлатлар ўртасида ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ўзаро келишувга эришиш, ҳамкорликни йўлга қўйишнинг самарали йўлларида бири ҳисобланади. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб барча соҳаларда бўлгани каби олий таълим тизимида ҳам халқаро ҳамкорликка эришиш, олий маълумотли, малакали кадрларни тайёрлашга ягона ёндашувни қарор топтириш йўлида амалий ҳаракатлар олиб борилмоқда.

**Хорижий тажриба.** Ўқитишнинг модул тизими ҳақида расмий равишда биринчи марта 1972 йил ЮНЕСКОнинг Токиодаги бутунжаҳон концепциясида сўз юритилган эди. Модулли ўқитиш технологияси – функционал тизимлар, фикрлашнинг нейрофизиологияси, педагогик-психологияларнинг умумий назариясидан келиб чиққан ҳолда халқаро ташкилот – Европа Кенгашида ўрганиш бўйича махсус гуруҳ ташкил этилди [2].

XX асрда дунёнинг турли мамлакатлари олий таълим муассасалари ўқув жараёнида кредит бирликларини (credit points) ҳисоблаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турувчи бир неча хил вариантлари шаклланди. Улардан энг кенг тарқалган вариантлари: **европача** (European Credit Accumulation – ECA), **британча** (Credit Accumulation and Transfer System – CATS), **американча** (US Credit System – USCS).

**“Кредит” атамаси (ECTS-credit) – “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанинг ўқув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганлиги тўғрисида маълумот беради.**

Болонья жараёни ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашуви жараёнидир. Ушбу жараённинг расман бошланиш муддати 1999 йилнинг 19 июни деб эътироф этилган. Бинобарин, худди мана шу санада 29 мамлакат вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланган эди. Айни вақтда мазкур тизим ўзига 1954 йилда Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган Европа маданияти конвенциясини ратификация қилган (олий давлат ҳокимияти органи тасдиқлаган) 49 мамлакатдан 47 иштирокчи мамлакатларни қамраб олган

Болонья декларациясига аъзо давлатларда таълим модул-кредит тизимига асосланади. 1989 йилда Европада Европа Ҳамжамиятининг ERASMUS (European

Community Action Scheme for mobility of University students) ва TEMPUS каби дастурлар жорий этилди. 2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларацияси имзоланди. Бугунги кунда ERASMUS дастури бўйича Европа Ҳамжамияти университетлари ўртасидаги талабалар алмашинуви 145 та олий ўқув юртларини қамраб олган. Улар ўртасида Европа университетлари таълими натижаларини ўзаро тан олиш тизими – ECTS (European Credit Transfer System) шакллантирилган [3].

**Модул-кредит тизими – ҳар бир ўқув фани (модули)нинг талабалар томонидан маълум миқдордаги кредит бирликлари асосида ўзлаштирилишини таъминловчи тизим.**

Тизимнинг асосий мақсади ижтимоий субъектлар томонидан олий маълумот олиш имконини кенгайтириш, олий таълимнинг сифати ва самарадорлигини истиқболли ошириш, талабалар ҳамда ўқитувчиларнинг ҳаракатчанлиги, фаоллигини ривожлантириш, шунингдек академик даража ва бошқа касбий малакаларнинг меҳнат бозорига йўналтирган ҳолда олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан муваффақиятли таъминлашдан иборат. Ўқув жараёнини модулли-кредит тизими асосида ташкил этиш — ўқув жараёнини ташкил этишнинг модели бўлиб, таълимнинг модулли технологиялари ва кредитларни ҳисобга олиш ёки таълимнинг ягона бирликларини бирлашишига асосланади.

Таълим модулли-кредит тизимига асосланган бўлиб, кредит бирликларининг сони талабалар томонидан сарфланадиган меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади. Талабанинг меҳнат сарфи – аудитория машғулоти, мустақил ишлар ва ўқув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади. Ўқув фани (модули)ни ўрганиш учун талаба томонидан сарфланган умумий меҳнат сарфи миқдори (аудитория ва мустақил иш соатлари) бир ўқув йилида 750 – 800 соатни ташкил этиши лозим. Айни ўринда айтиб ўтиш зарурки, кредитлар аудитория соатлари билан чегараланиб қолмай, балки талабанинг аудиториядан ташқари шароитда ҳам ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш учун сарфлайдиган юкломани ҳам инобатга олган ҳолда белгиланади [3]. Одатда, ўқув режасига киритилган фанлар бўйича ажратиладиган кредитлар сони 3 га тенг. Баъзан ўқув фани учун ажратилган кредит сони 3 тадан кўп ёки кам бўлиши мумкин.

Кредитлар барча (мажбурий ва ихтиёрий) танланган ўқув фанлари бўйича тақсимланади. Кредитларнинг тақсимланишида фан бўйича курс лойиҳалари ва амалий ишларининг мавжудлиги иноатга олинади. Ўқув фани учун ажратиладиган кредитлар миқдори фаннинг мураккаблиги ҳамда талабалар томонидан унинг ўзлаштирилишига боғлиқ бўлади. Одатда кредитлар йиғиндиси семестрда 30 тани, ўқув йили давомида 60 тани, бакалавриат даврида эса 240 ни ташкил этади [4]. Мазкур Қарордан келиб чиқиб, бугунги кунда Тошкент давлат юридик университетида ўқув жараёни дунёнинг кўпгина мамлакатларида амалда бўлган ва ўзининг қулайлиги ҳамда самарадорлиги билан тан олинган ўқитишнинг модул-кредит тизимига асосланиб амалга оширилмоқда. Модул-кредит тизимида ўқув жараёнининг асосий мазмуни, талабаларда мустақил таълим олиш қобилиятини ривожлантириш, талабаларга ўз соҳаси йўналишларига қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқув фанларини танлаш имкониятини бериш ва уларнинг мустақил таълим олишини таъминлаш учун тўлақонли ўқув адабиётларини яратишни назарда тутди. Тизимнинг бош мақсади университетда ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган, сифатсиз кадрлар тайёрланишининг олдини олишга қаратилганлигидир.

Модуль-кредит тизими талабаларда мустақил таълим олиш, ҳуқуқни қўллаш, эркин фикрлаш ва таҳлил этиш кўникмалари, шунингдек юридик соҳанинг ўзига хос хусусияти ҳисобланган муайян муаммоли вазиятлар бўйича асосли ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш қобилиятини ривожлантиришга қаратилганлиги билан алоҳида тавсифланади.

**Таклифлар.** Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, Тошкент давлат юридик университетида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўқув-тарбиявий жараён сифатини ошириш, уни инновацион мазмун билан тўлдириш, талабалар билимини баҳолашнинг самарали тизимини жорий қилиш, мустақил равишда янги билимларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришга қаратилган назарий

тайёргарлик ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини таъминлаш имконини берди. Шу билан бирга, юридик таълим тизимини такомиллаштиришга доир чоратadbирларга ҳамоҳанг тарзда қуйидаги таклифларни амалиётга татбиқ этиш бу соҳада амалга оширилади ислохотларни янада самарали бўлишига хизмат қилади, деб ҳисоблаймиз.

**Биринчидан**, соҳадаги муаммоларни ҳал этиш учун илғор хорижий тажрибани эътиборга олиб, мамлакатимизда юридик таълимни такомиллаштиришга қаратилган **концепция** ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир. Концепция юридик кадрлар тайёрлаш тизимини бевосита таҳлил қилиб бориш, ютуқ ва камчиликларни ўрганиш, шу билан бирга келгусида амалга оширилиши лозим бўлган мақсад ҳамда режаларни белгилаб олиш имкониятини беради. Концепция юридик кадрлар тайёрлаш тизимининг энг муҳим жараёнларини ўзида қамраб олиши керак.

**Иккинчидан**, юрист кадрларни тайёрлашда ихтисослашувни кучайтириш учун юриспруденция соҳаси бўйича ўзлаштирилиши шарт бўлган фанлар ва қўшимча (факультатив) фанлар доирасининг аниқ белгилаб қўйилиши муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, хориж тажрибасидан келиб чиқиб, миллий ҳуқуқшунос кадрлар учун **“Legal Writing”** (ҳуқуқий ёзув услуги) ҳамда **Rechtsphilosophie** (ҳуқуқ фалсафаси) фанларини фундаментал фанлар доирасида ўрганишни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ҳуқуқшуноснинг нутқи раван бўлиши мумкин, аммо ҳуқуқий услубда маҳоратли ёза олиш алоҳида қобилият ҳисобланади. Маълумки, ҳуқуқшунос ишининг энг асосий қисми ҳуқуқий ёзишмалар орқали амалга оширилади. Шу сабабли ҳам талабаларда қисқа, лўнда, раван, мантиқий изчилликда расмий ёзиш услубини шакллантириш лозим. Бунда, ўз навбатида, **“Legal Writing”** (ҳуқуқий ёзув услуги) каби фанларнинг ўргатилиши талабаларда ушбу кўникмаларни ҳосил қилишларида муҳим омил ҳисобланади.

**Учинчидан**, мутахассислик йўналишларининг ихтисослашувини янада такомиллаштириш. Бунда талаба аниқ бир ихтисослашув асосида профессионал мутахассис сифатида фаолият юритишига замин яратилади. Талабаларга фундаментал (мажбурий) фанлардан ташқари танлов асосидаги фанларни ўз хоҳишларига биноан танлаш имкониятини жорий этиш лозим. Бунда талаба фанларни ўзи танлаб боради ва танланган ҳар бир фан келгусида танланиши мумкин бўлган фанларга мантиқий боғланган бўлади. Шу сабабли ҳам талаба дастлабки семестрнинг ўзида келгусида ҳам ўрганиши керак бўлган фанларни аниқлаб олиши лозим.

**Тўртинчидан**, талабаларнинг оралик назорат ишларини текширишнинг объекттивлигини таъминлаш мақсадида плагиатни аниқлашни илғор усулларини қўллаш лозим. Ҳозирги вақтда педагог ходимлар томонидан оралик назорат ишларининг текширилишини самарали усул деб бўлмади. Бу нафақат талабаларнинг объектив баҳоланиш имкониятларини пасайтириши, балки педагог ходимларга ҳам қийинчилик туғдиришини инобатга олиш лозим. Акс ҳолда, юқори баҳоланиши керак бўлган ишларнинг паст баҳоланиши ёхуд бунинг акси каби ҳолатлар талабаларнинг ўқиш фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, талабаларнинг назорат ишларини текширишда белгиланган аниқ мезонларга қатъий риоя қилишни йўлга қўйиш лозим. Хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, (АҚШ, Германия, Франция) талабалар берилган ёзма топшириқни бажаришда белгиланган мезонларга риоя қилмагудек бўлса (чегараланган сўзлар микдорига риоя этиш), уларнинг баҳолари автоматик тарзда пасайтирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ТДЮУ да ҳам оралик назорат ишини текшириш давомида талаба томонидан талабларга (масалан, сўзларнинг сонининг чегараланганлиги, 4-курс 2,500 та сўз) риоя қилмаганликлари аниқланган тақдирда қоидага мувофиқ мазкур талабанинг баҳоси автоматик тарзда пасайтирилиши лозим.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Karimov I.A. Mamlakatimizda demokratik islohotlarni yanada chuqurlashtirish va fuqarolik jamiyatini rivojlantirish konsepsiyasi: O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi va Senatining qo‘shma majlisidagi ma‘ruzasi. - T.: O‘zbekiston, 2010. - B. 23.

2. Hirte, Heribert/Mock, Sebastian, Die Juristenausbildung in Europa vor dem Hintergrund des Bologna-Prozesses 2012. 138 ff.
3. Design, Management and Evaluation of Open / Flexible learning. Modul program (twelve modul). Internatinal Training Centre of the ILO. Turin, 1997.- P. 10-12.
4. Innovatsion ta'lim texnologiyalari / Muslimov N.A., Usmonboyeva M.H., Sayfurov D.M., To'rayev A.B. - T.: "Sano standart" nashriyoti, 2015. - B.12.
5. Credit Transfer and Accumulation - the Challenge for Institutions and Students, EUA/Swiss Confederation Conference, ETH Zurich, 11-12 October, 2002.